

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

№ 22110012065045

2022 йил “18” апрель

Бухоро ш.

Кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритиладиган «TURON KOMPLEKT» МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Ж.А.Собиров**, бир томондан ва бундан буён “Сотиб оловчичи” деб аталадиган “Gold Pharm Mushrooms” МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбар **Т.Э.Икрамов**, иккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар хақида туздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар (маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб оловчига ўз вақтида сифатли қилиб етказиб бериш, Сотиб оловчичи эса товар (маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

Тр	Товар номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Умумий суммаси	ККС		Умумий суммаси
						ставка	сумма	
1	Субмиляцион қуритиш ускунаси	Дона	1	223869565	223869565	15%	33580435	257450000
Жами								257450000

Жами шартноманинг суммаси: 257450000(Икки юз эллик етти миллион тўрт юз эллик минг) сўм

II. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ШАРТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани Фазначилик бошкармасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисобфактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. “Етказиб берувчи” аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 3 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. “Етказиб берувчи” амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. “Буюртмачи” товарларни қабул қилишда “Етказиб берувчи” иштироқида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

- Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

- Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуидагилардан бирини талаб қилиш:

а) тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

б) камчиликларни беғараз бартарф этиш;

в) Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган заарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи қуидаги ҳуқуқларга эга:

- Буюртмачидан олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисобкитобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қиласлик натижасида етказилган заарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишига йўл кўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 10 кун муддат ичida барча аниқланган камчиликларни беғараз бартарраф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб оловчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. Етказиб берувчи:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб оловчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳаки тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечикириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб оловчига (буюртмачига) кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошибб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечикириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб оловчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб оловчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир

шахардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлиидир.

V. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиқсан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлиидир.

5.3. Томонлар иқтисодий судга мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судда кўриб чиқлади.

VI. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 15 февралидаги 63-сонли “Енгиг бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги карорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

VII. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома Газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласи.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ “Сотувчи” “Сотиб оловчи”

«TURON KOMPLEKT» МЧЖ
Манзил: Бухоро ш. Навои куча 23/у

Тел/факс: _____
Х/р: 20 208 000 905 365 419 001

Банк номи: АТБ Узсаноаткурилишбанк
Тукимачи филиал
МФО: 00440 СТИР: 308328336

“Gold Pharm Mushrooms” МЧЖ
Манзил: Ромитан. т Афросиёб МФЙ. А. Темур
к 43 уй
Тел/факс: 93 143 30 33

Бюджетдан маблағ оловчи СТИР: 308908373
ОКЭД:

Газначилик бошкармаси номи: Ромитан газна
Газна Х/р: 302810860062427015300254003

Банк номи: МБ Тошкент ш.

МФО: 00014 ОКЭД:

Газначилик бошкармаси СТИР: _____



Рахбар: _____
Ж.А.Собиров

Мажкур шартнонга оғиздан
тадоборни мувоидиб дужлан.



Рахбар: _____
Т.Э.Икромов

Хушимб өзим
Н. Чаримов



Юридик хизмат ходими аттестациядан ўтганлиги түғрисида
ГУВОХНОМА

ЮК № 006084

Ушбу билан

Шарипов Нодирбек Обидович

(Юридик хизмат ходиминың фамилиясы, ислим ва отасининг исми)

Бухоро вилоят адлия бошқармаси

да

аттестациядан ўтганлиги тасдиқланади ва у давлат бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат хокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкинотларининг юридик хизматида ишлаши мумкин.



2022 йил 11 ноябрь

гача амал қиласди.

М. А.

Аттестация комиссияси раиси:

(имзо)

T.R.Ochilov

(Фамилияси, исми ва отасининг исми)

Ўзбекистон Республикаси бюджет
тизими бюджетларининг газна ижроси қоидала
рига
8-ИЛОВА

**2022 й. «18» апрелдаги “GoldPharmMushrooms” МЧЖ ва «TURON KOMPLEKT»
МЧЖ ўртасида 257 450 000 сўмумий суммагатузилган 22110012065045-
сонлишартномага
ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ***

Боб300

Шахсий газнаҳисобварақ 30281 0860062402175 30 0254003

(сўмда)

2022 й. ойларноми.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишиликоди)			Жами
	42 99 990			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель	257 450 000			257 450 000
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами илбўйича	257 450 000			257 450 000

Жами 257 450 000 (Икки юз эллик етти миллион тўрт юз эллик минг) сўм.

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 77 235 000 сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан 30%
2022 йил апрель ойида тўланиши лозим.



Директор


М.У.
Бухгалтер

Газначилик бўлинмасининг
ходими қабулқилди _____
(имзо)

2022 й. «___» ____


(имзо)

Т.Икромов
Ф.И.О.


(имзо)

А.Икромов
Ф.И.О.

Буюртма чиҳодими
қабулқилди _____
(имзо)

2022 й. «___» ____